



2019 yil « 23 » март 109 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**“NARPAY IFTIXOR SANOATI”
масъулияти чекланган жамиятига
инвестициявий ва ижтимоий
мажбуриятлар белгилаган ҳолда
туризм инфратузилма объектлари
(замонавий меҳмонхона) қуриш учун ер
участкаси ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “NARPAY IFTIXOR SANOATI” масъулияти чекланган жамиятига туризм инфратузилма объектлари (замонавий меҳмонхона) қуриш учун Нарпай туман, Ғалаба массивининг 370-контурдаги 59,8 балли 1,5 га суғориладиган ер майдони куйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

туризм инфратузилма объектлари (замонавий меҳмонхона) қуриш учун 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2020 йил 1 мартга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

30 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ худудларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “NARPAY IFTIXOR SANOATI” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят худудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. “NARPAY IFTIXOR SANOATI” масъулияти чекланган жамиятига ажратилаётган 2,0 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига 130284528 (бир юз ўттиз миллион икки юз саксон тўрт минг беш юз йигирма саккиз) сўм миқдорида пул ўтказиш юклатилсин.

5. Нарпай тумани ҳокимлиги (Б.Жабборов), вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“NARPAY IFTIXOR SANOATI” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда, ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов